

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ  
МУКОФОТИ СОҲИБЛАРИ

---

**БЕНАЗИР**

# Ўтмаган кунлар

*(Шеърлар)*



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2007

Ушбу китоб муаллифнинг Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ўтказилган «Хур ўлка қизлари» танловида иккинчи ўринни қўлга киритгани муносабати билан нашр этилмоқда.

Муаллиф Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитасига ўз миннатдорчилигини билдиради.

### **Беназир (Зокирова Гулчехра)**

Ўтмаган кунлар: Шеърлар. — Т.: «Шарк», 2007. — 80 б.

Беназирнинг шеърларида эрксеварлик, шиддат ва мухаббатга ошуфталик бор. Она-Ватанга меҳр кўрсатиш, унинг тоғу тошларини ҳам улувлаш, инсонга садоқат, мукаддас хилкатларга ихлос унинг шеърларидаги асосий мезонлар саналади.

Шоира рухиятидаги исён, севги ва нафисликка ўралган жасорат водий шеърини мактабида калам тебратаётган қизлар орасида унинг алоҳида овозга эга эканини кўрсатиб туради.

Тўплам кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**ББК.84(5Ў)**

ISBN 978-9943-00-099-5

Ю 32889  
292

© «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти, 2007 йил.

2007 A962	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MI
--------------	--

## ЗУЛФИЯХОНИМ

Замину замонда бир майса кадр,  
Кадрдон кўпаюр кўпайса кадр,  
Бир олам меҳнатта бир пайса кадр,  
Дунё тарозими, Зулфияхоним?

Кўклам куйчиси-ла ғойиблар кетган,  
Алдамчи бахорни койиблар кетган,  
Халқин сева-сева бойиблар кетган,  
Халкининг нозими Зулфияхоним!

Бу кун осмонча кўп кадрларингиз,  
Сиз элни осмон бўб кадрладингиз,  
Дилларни уйғотган сатрларингиз,  
Топди баҳосини Зулфияхоним!

Хажр дилингизга алам ўтказган,  
Надир қўлингизга қалам тутқазган,  
Тоғдай шаънингизни кўкка етказган,  
Элнинг дуосими, Зулфияхоним?

Шоирлар оламнинг хур нафасидир,  
Бу жумла одамнинг фалсафасидир,  
Бу кун эзгуликнинг ғалабасидир,  
Бахтнинг маросими Зулфияхоним!

Англаб кўзимизда борлигингизни,  
Англаб сўзимизда борлигингизни,  
Кўксимизга тақсак ёрлигингизни,  
Сиз биздан розими, Зулфияхоним,  
Мендан розимисан, Ўзбекистоним?!

• • •

Бир юрак изладим юракдай улкан,  
Бир дунё изладим дунёдай азим,  
Нетай юраклари юракча экан,  
Дунё бир дунёча экан азизим.

Бир кўшиқ изладим кўшиқдай маъсум,  
Ишқ каби беғубор, ишқдай муаззам,  
Меҳр наволардан ёрмади сим-сим,  
Аллангиз мисоли она, азизам.

Мен сахна топмадим очундай хароб,  
Сездим томошагўй, нодонлигимни,  
Гиёҳнинг ўзича бўстонлигини,  
Булутнинг ўзича осмонлигини  
Тангрим, кеч бўлса-да англадим шу гоб,  
Ўзингдан ўзгани ёлғонлигини.

Бир ҳикмат изларкан ҳикматдай доно,  
Момом ўғитларин ёдга оламан,  
Ҳаётдан излама ҳақиқат, маъно,  
Ҳақиқат Худодир болам-а!

• • •

### *Гулжамолга*

Ғамларингни бўлмайди йиқиб,  
Ғамларингни йиқиб бўлмайди,  
Кетсам ҳамки, ўзимдан чиқиб,  
Дунё, сендан чиқиб бўлмайди.

Гули турфа чаманмисан айт!  
Узанги йўқ саманмисан айт!  
Борса келмас яманмисан айт!  
Дунё, сендан чиқиб бўлмайди.

Шод эсанг-да ғуссамдан мани,  
Аламим йўқ бил сандан мани,





Мурғаккина жонимдан мани,  
Мурғаккина жуссамдан мани,  
Не истайсан уқиб бўлмайди.


Дард бердингми атай Худойим?  
Дарддан қасн кетай Худойим?  
Нима қилай, нетай Худойим?  
Бандангга тенг ёкиб бўлмайди.  
Дунёингдан чиқиб бўлмайди.

\* \* \*

Қайтма...  
Қайтишингдан бўлмаса маъни,  
Қайтма, қайтар бўлсанг азоблагани,  
Ўзимни ўзимга айлама ганим,  
Суймасим, суйганим...  
Қайтма...  
Қайтганларинг чинлар ўлмаса,  
Айтма, айтганларинг чинлар ўлмаса,  
Нахот муҳаббатсиз кунлар ўлмаса,  
Суймасим, суйганим...  
Қайтма...  
Қайтар эсанг ғашларингни қўй,  
Аламларни унут, ашқларингни қўй,  
Бу ёлғиз очунда бормисан маним,  
Гоҳ ҳеч киммисан рашқларингни қўй,  
Суймасим, суйганим...  
Қайтсангу қайтмасанг асиранг ўзим,  
Қадрингга етмаган басиранг ўзим,  
Кўнгил олмай туриб кўнгил қўйганим,  
Беназир эсам-да назиранг ўзим,  
Суймасим, суйганим...

\* \* \*

Қувонсам тишингни қайрайсан,  
Йиғласам йиғлатиб яйрайсан,  
Ярми оғу, ярми май дунё,  
Ай дунё...



Ҳақ сўзни сўзласам лов этмай,  
Ғанимни йўлимга гов этмай,  
Ёримни уйимга ёв этмай,  
Кўксимга нишингни сай дунё,  
Ай дунё...

Бойлик деб шум нафсинг тиймайсан,  
Бир ховуч олчоқни сийлайсан,  
Эгулик либосин киймайсан,  
Шайтоннинг ҳукмига шай дунё,  
Ай дунё...

Дўзах ва жаннатнинг ораси,  
Яхшилик миннатнинг ораси,  
Маҳкуму мазлумнинг ноласи,  
Исрофил чалмаган най дунё,  
Ай дунё...

Лашкар тортиб келасан ғамдан,  
Одамни безитиб одамдан,  
Дардни аритмасанг қадамдан,  
Хўш не учун йиғламай дунё,  
Ай дунё...

Бўлсам ҳамки шеърда Беназир,  
Бўлолмадим ерда Беназир,  
Менми, уми, сенга барибир,  
Кимга вафо қилдинг хай, дунё,  
Ай дунё...

\* \* \*

Ёр ишқи эсимни оғдирса,  
Кўксимда ишқ деган тоғ турса,  
Теграмда дўстларим соғ турса,  
Минг йил умр кўришга шайман,  
Мухаббат юртида яшайман.

Умидлар улғайса танимда,  
Шижоат жўш урса қонимда,  
Жасорат уйғонса ғанимда,

Хаёт майдонига тушай ман,  
Зафар кучмагунча яшайман.

Отамдек қўл силтаб барига,  
Маккора дунёнинг макрига,  
Кетаман оқибат шаҳрига,  
Мунғайиб қолади — бўш айвон,  
Оқибат шаҳрида яшайман.

Кўзига тик боқиб оламни,  
ЎЗИга айтаман ноламни,  
Бахтли килмагунча онамни,  
Чекмай афсус, чекмай пушаймон  
Сабот ўлкасида яшайман.

Демам очунда йўк алашим,  
Токи ёзар экан қаламим,  
То бор экан меҳр каломи,  
Сўзларни сўзларга қўшай ман,  
Назм гулшанида яшайман.


\*\*\*

*Онамдай азиз устозим*  
Х. Мамаатовнага

Халкимга фидодир қирк жоним дейсиз,  
Шу жонлар ичинда маним жонима,  
Яна кизим дейсиз, ўғлоним дейсиз,  
Ҳеч ўзим демайсиз, онажонима!

Бировлар ўзим деб ўзгани йиқмиш,  
Бировлар ўзидан ўзгани йиқмиш,  
Дарё кўнглингизга дунёлар сиғмиш,  
Дунёлардан баланд ос(и)моним-а,  
Ўзин ўйламаган, онажонима!

Миллат бекаларин орияти — сиз,  
Мардлик ҳалолликнинг моҳияти сиз,





Дили нурдан бино дилистонима,  
Хосиятли элнинг Хосияти сиз,  
Ўзин ўйламаган, онажонима!

Худбинлар сиз бирла шон талашади,  
Бадбинлар еб туриб, нон талашади,  
Мансаб талашади, ном талашади,  
Дейсиз: Эл назари бахтим, шонима,  
Хеч ўзим демаган, онажонима!

Шаънингизга етмас сўзларнинг ганжи,  
Гохи ардоримдан кетасиз ранжиб,  
Қизим уялтириб мақтамасанг-чи,  
Камтарлиги юртда дос(и)тонима,  
Ўзин алкамаган, онажонима!


Дил аршимда шамсу хилолим сизсиз,  
Меҳру муҳаббати зилолим сизсиз,  
Бағрингизда унган ниҳолингизман,  
Айтинг не кечарди бу холим сизсиз,  
Ҳасадгўй кўзлардан соябонима,  
Ўзимнинг меҳрибон онажонима!

\* \* \*

Сиз севгининг илмида мутлак,  
Сиз ҳаётнинг илмида фозил,  
Мен осмону ерда муаллақ,  
Шаклим малак, аслим Азозил.

Сиз тақдирнинг ўйинида ас,  
Сиз худбинлик фанида мумтоз.  
Мен сизни деб очундан абас,  
Қувилган бир ожиза холос.

Сиз бахтлардан бахтлироқ кимса,  
Сиз дунёда ажиб дунёсиз,  
Мен дунёга интилиб, қўмсаб,  
Етолмаган орсиз, ҳаёсиз



Сиз кўнгилнинг аршида тобон,  
Мен бор йўғи заминда хокман,  
Сиз барчага бирдай меҳрибон,  
Мен барчага бирдайин ёқмам,  
Сиз қувончсиз, мен-чи фироқман.

\* \* \*

Оёғимда замин, бошимда само,  
Ўнгимда фаришта, сўлимда лаъин.  
Раҳмон ўзимники, Танграм-о,  
Шайтон ўзимники, найлайин?

Ишқ бердинг, ишқ мани оловга отди,  
Хижрони синовдан синовга отди.  
Дардимни бировдан бировга отдинг,  
Ўзимда ўзимни кучоқлаб ётдим.  
Бу жон ўзимники найлайин?

Кимни деб озорлар чекди калбим-о,  
Бандангни пойида чўқди калбим-о.  
Осмон ўзимники эди Раббим-о,  
Нарвон ўзимники, найлайин?

Ўйнатдинг тақдирнинг чирмандасига,  
Дунёнг тутди мани исканжасида.  
Бу қандай фирромлик, қандайин ўйин,  
Кўйсам жаҳаннамнинг алангасида.  
Ризвон ўзимники найлайин?

Вужудимда гуноҳ, изимда гуноҳ,  
Кўзимда, сўзимда, ўзимда гуноҳ.  
Тинч ухлаб ётсайди кўксимда гуноҳ,  
Виждон ўзимники найлайин?

Оёғимда замин, бошимда само,  
Ўнгимда фаришта, сўлимда лаъин.  
Раҳмон ўзимники, Танграм-о,  
Шайтон ўзимники, найлайин?

• • •

Йўллар — манинг зулфимдай чигал,  
Диллар — кошу кўзимдай якин.  
Хижрон — сизга ўзимдай якин,  
Айтган кўшиқларим «Баригал».

Хаёл — ишқнинг осмонидай оқ,  
Ерда севги, кўкда Худо бор.  
Юрагимнинг чеккани фирок,  
Айтган кўшиқларим «Тановор».

Висол — ўлим, умр — бенажот,  
Баски, бизга ўлимлари чин.  
Жоним, бугун иккимиз учун,  
Тангрига қилганим «Муножот».

Йўллар — манинг зулфимдай чигал,  
Диллар — кошу кўзимдай якин.  
Хижрон — сизга ўзимдай якин,  
Айтган кўшиқларим «Баригал».

• • •

Муҳаббат — оқ, хиёнат — қора,  
Хижрон — сарик, висол — зангори.  
Дийдор — ўзинг сингари ё Раб,  
Соғинч — мунглиғ ўзим сингари.

Бахор — қувонч, қахратон — қахр,  
Измингдадир измингда бари.  
Ё Раб, ўзинг сингари меҳр,  
Тўрт фаслинг ҳам ўзинг сингари.

Армонларнинг қасдида дунё,  
Армонларки худбин, жангари.  
Орзу — исмингмиди Худоё?  
Етиб бўлмас ўзинг сингари.

Банданг ерда буюк мусаввир,  
Чизганлари ғарибдан ғариб.

Тангрим, нима учун тушунтир,  
Ҳаётдан совутмиш рангларинг?

Муҳаббат — оқ, хиёнат — қора,  
Ҳижрон — сариқ, висол — зангори.  
Дийдор — ўзинг сингари ё Раб,  
Соғинч — мунглиғ ўзим сингари.

### ОПАМГА

Кўзларингда бокира дунё,  
Кўзларингда дунё бокира.  
Кўзларингда меҳр жовдирар,  
Кўзларингда меҳр жодир-а?  
Маъсумам, мунисам Нодира!

Сочларинг тим қаро, тим қаро,  
Тим қаро сочларинг чодира.  
Сени яратибди Қодиро,  
Қара, у неларга кодир-а?  
Маъсумам, мунисам Нодира!

Бизни чорлаётир болалик,  
Чорлаётир бизни хотира.  
Ўшал подшо салтанатингга,  
Ўзим билан кетгинг бордир-а?  
Маъсумам, мунисам Нодира!

Мушқулингга яролмасам ҳам,  
Мақтанасан: Синглим — шоира.  
Муҳаббати беминнат опам,  
Асли санинг кўнглинг шоира.  
Комилам, Макнунам Нодира!

\* \* \*

Сиз менинг дардимда куйдингиз,  
Мен ўзганинг хажрида куйдим.  
Ҳақ унутган дунёда она,  
Наҳот сизни унутиб қўйдим?

Сиз менинг бошимда турдингиз,  
Мен ўзганинг қошига бордим.  
Сиз ёд билган кўнглимни она,  
Ўзингиздан ўзгага ёрдим.

Сўнг англадим, дардим дард эмас,  
Юрак эса юракмаслигин.  
Фақат сизга кераклигимни,  
Ва бошқага керакмаслигим.

Мен дунёнинг хажрида куйдим,  
Дунё мени беш кунча суйди.  
Она, сизни унутиб эдим,  
Худо мени унутиб қўйди.

\* \* \*

Юрагимда отади тонглар,  
Юрагимда тунлар ботади.  
Мени кутар қайғули онлар,  
Мени ёруғ кунлар кутади.

Ғам билади бардамлигимни,  
Шодлик эса хуррамлигимни.  
Эл билади одамлигимни,  
Ғанимларим хунлар ютади,  
Мени ёруғ кунлар кутади.

Раҳматидан эриб кетмайман.  
Заҳматидан қариб кетмайман.  
Ўзига илинган ишқимни,  
Бандасига бериб кетмайман.  
Фанони суйганим етади.  
Аршда мани хурлар кутади.

Ҳали Роббим қилмайди афсус,  
Мени қўйганига яратиб.  
Бир куни бораман ёнига,  
Дунёни сўзимла титратиб.  
Бир куни...

• • •

Меҳр бердим, қахрлар кўрдим,  
Оёғимдин чалишди мани.  
Бу дунёни бағирлаб кўрдим,  
Билмам, ёрми ва ё ул ғаним,  
Армонларга алишди мани.

Соқий эрса майхона эдим,  
Тўлмайдиган паймона эдим.  
Малак эдим жунун шаҳринда,  
Битта эдим, ягона эдим.  
Жанонларга алишди мани.

Атиргулнинг хандаси эдим.  
Ҳақнинг суюк бандаси эдим.  
Бу очунда неки чиройли,  
Мен уларнинг ҳаммаси эдим.  
Арзонларга алишди мани.  
Хазонларга алишди мани.

Осмонларнинг осмони эдим.  
Уммонларнинг уммони эдим.  
Заминларнинг замини эдим,  
Замонларнинг замони эдим.  
Давронларга алишди мани.

• • •

Худо гулдан яратмиш мани,  
Худо деган сағирларига.  
Бошим қўйиб бағирларига,  
Саваланиб кетсам қанийди,  
Кўзларининг ёмғирларида.

Худо дилдан яратмиш мани,  
Дили сўқир ёмонларига.  
Жон олгувчи бежонларига,  
Мен аларнинг кўнглида униб,  
Оёғида хазонларидай,  
Тепаланиб кетсам қанийди.

Худо гилдан яратмиш мани,  
Исмингиз битиб кўн-гил-га.  
Бир куни келса айланиб гилга,  
Биттагина нигохингизга,  
Ува-ла-ниб кетсам қанийди.

\* \* \*

Ўзимни ўзимга бермайди таскин,  
Ўзимни ўзимдан айиради ишк.  
Ўзимда ўзимни кўраман ғамгин,  
Шунчалик бўлурму ўзни соғиниш?

Ўзимни ўзимга қўймайди хаёл,  
«Ўзи»дан Ўзига тилайман тўзим.  
Ўзимда ўзимга келмайман,  
Қоврилсам, қоврилай ўзимда ўзим.

Ўзимда ўзимга етмайди меҳр,  
Ўзимда ўзимга етмайди тоқат.  
Мен ўзни ўзимдан севгандим ахир.  
Мен ўзим ўзимни севмадим фақат.

Ўзимдан ўзимни безитади ғам,  
Ўзимлаб, ўзимлаб ўзингга етгум.  
Ўзимни ўзимга кўрсат ё Эгам,  
Ўзимда ўзимни соғиниб кетдим.

\* \* \*

Дунё — оёғимга сизмаган ковуш,  
Муҳаббат — эғнимга тор келган нимча.  
Умр — мен пайқаган жарангсиз товуш,  
Бахт — текин кулмаган танноз хонимча.

Шафқат — нокасларга отилмаган тош,  
Омад деганлари — кадр кечаси.  
Ҳақиқат — булутга беркинган кўёш,  
Бойлик — фахш кўчаси, зино кўчаси.

Ҳасад — мунофиққа берилган ёрлик,  
Гўзаллик — қуролсиз мерганнинг ўзи.  
Асли гуноҳлардан яралган борлик,  
Беғуноҳ — Аршдаги Эгамнинг ўзи.

Асрлар тубида занглаган,  
Оқибат — кўнгилининг либоси.  
Ҳақ учун сиртмокни танлаган,  
Машраб — Беназирнинг бобоси.

\* \* \*

Жоним...  
Ўз жонимга қилдимми жабр?  
Ой эдимۇ ойдай тўла олмадим.  
Мен — учинчи одам, қисматим тахир,  
На Кумуш, на Зайнаб бўла олмадим.

Лек суйдим бегимни алардан ортик,  
Асрадим сочимнинг толаларидек.  
Қизғондим боғимнинг лоларидек,  
Лоладек қизғониб сўла олмадим,  
На Кумуш, на Зайнаб бўла олмадим.

Ёшлик ўтиб кетди, орзулар ўтди,  
Изимдан чопқиллаб охулар ўтди.  
Ўз бағримни ўзим тила олмадим,  
Золим ҳаёт, аччиқ оғулар тутди.  
Оғулар ичсам-да ўла олмадим,  
На Кумуш, на Зайнаб бўла олмадим.



## ЙИҒЛАМАНГ, ОНА

Виждонни сотганлар йиғламаганда,  
Гуноҳга ботганлар йиғламаганда,  
Бировни йиғлатиб роҳатлар қолиб,  
Дийдаси қотганлар йиғламаганда,  
Ўзингиз айтгандай, турмай мардона  
Сиз нега йиғлайсиз,  
Йиғламанг, она!


Йиғламанг мунисим, садқаи кўз ёш,  
Бандасига ёлғон, яратганга фош.  
Сочингизни битта оқ толасига,  
Дунё арзимади, дунё – бағритош.  
Тирналган бағримни тиғламанг, она,  
Сиз нега йиғлайсиз,  
Йиғламанг, она!

Юзимга ярашган кулгучим бўлиб,  
Суянгувчим бўлиб, суйгувчим бўлиб.  
Эдингиз-ку, нечун эгик қаддингиз?  
Йиқилсам, турғазиб қўйгувчим бўлиб.  
Сиз нега йиғлайсиз,  
Йиғламанг, она!

Умрим файзиёбдир ўзингиз билан,  
Нокасга тик боқинг кўзингиз билан.  
Ишонинг, сиз хали фахрланасиз,  
Кун келиб, Беназир қизингиз билан.  
Сиз нега йиғлайсиз,  
Йиғламанг, она!

• • •

Сиз менинг илоҳим, ибодатимсиз,  
Буни айтавердим, тавба қилмадим.  
Сиз менинг, сиз менинг саодатимсиз,  
Мен сизнинг кимингиз, билмадим.



20 07

1962

Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston MF

Сиз менинг Тангридан эҳсоним,  
Сиз менинг энг гўзал ёлғоним,  
Сиз менинг, сиз менинг армоним,  
Мен сизнинг кимингиз, билмадим.

Сиз менинг умидим, ниятим,  
Сиз менинг покиза оятим,  
Сиз менинг севгида ғоятим,  
Мен сизнинг кимингиз, билмадим.

Сиз менинг муқаддас каъбамсиз,  
Сиз менинг гуноҳу тавбамсиз,  
Сиз менинг саройим, кулбамсиз,  
Мен сизнинг кимингиз, билмадим.

Сиз менинг куламас чинорим,  
Севгилим, ошиғим, хуморим,  
Сиз менинг қувончу озорим,  
Мен сизнинг кимингиз, билмадим.

Сиз менинг тўрт инжа фаслимсиз,  
Бандисиз, асирсиз, таслимсиз,  
Сиз менинг аслимсиз, аслимсиз,  
Мен сизнинг кимингиз, билмадим.

Сиз менинг мунаввар тонгимсиз,  
Сиз мен орзу этган рангимсиз,  
Сиз менинг тенгсизим тенгимсиз,  
Мен сизнинг кимингиз билмадим.

Сиз менинг беғубор чоғимсиз,  
Сиз менинг суянган тоғимсиз,  
Султоним, амирим, шохимсиз,  
Мен сизнинг кимингиз, билмадим.

Сиз менинг қарорим, аҳдимсиз,  
Сиз менинг давлатим, тахтимсиз,  
Сиз менинг бахтимсиз, бахтимсиз,  
Мен сизнинг кимингиз, билмадим.

Сиз менинг яқиним, бегонам,  
Сиз менинг дилдошим, дилхоним,  
Беморим, бедорим, девонам,  
Мен сизнинг кимингиз, билмадим.

Сиз менинг энг тоза сўзимсиз,  
Сиз менинг қошимсиз, кўзимсиз,  
Сиз менинг ўзимсиз, ўзимсиз,  
Мен сизнинг кимингиз, билмадим.  
Сизнинг ҳеч кимингиз бўлмадим.

## ВАТАН

Шеър битмадим боғларинг мактаб,  
Кашф этмадим сени қайтадан.  
Севдим, севдим номингла атаб,  
Сен севгимга лойиқсан Ватан

Муҳаббатим сойларинггамас,  
Куёшингу ойларинггамас,  
Тўраларинг, бойларинггамас,  
Дил кўшқида ойимсан Ватан.  
Бойлар ичра бойимсан Ватан.

Жўнар бўлсам йирок-йирокқа,  
Кўнар бўлса соғинч қарокқа,  
Дўнар бўлса таним тупрокқа,  
Қолганимда берух ва бетан,  
Менинг борар жойимсан Ватан.

Ситамлардан омоним ўзинг,  
Орим ўзинг, иймоним ўзинг,  
Бисотимда бўлак нима бор,  
Менинг тўртта томоним ўзинг,  
Осмонимсан, пойимсан Ватан.

Ёшлик — умр фасли ўткинчи,  
Дўсту ёрнинг васли ўткинчи,  
Ҳамма нарса эмас абадий,  
Ҳамма нарса асли ўткинчи,



Юрагимда доимсан Ватан.  
Бу дунёнинг ўзи пулсирот,  
Бу дунёнинг ўзи жаҳаннам.  
У жиловин йўқотган ғирот  
У вафосин йўқотган санам.

Тангрим мени қилма эҳтиёт,  
Яшаймиз деб йиғлама дилим.  
Қўлларингни торт мендан хаёт,  
Қўлларингни бер менга ўлим.

Бу дунёнинг ўзи...

\* \* \*

Керак эмас тиллолардан тахт,  
Керак эмас севгидан шодлик.  
Борлигингни ўзи менга бахт  
Борлигингга шукур Озодлик.

Лозим эмас лаҳзалик висол,  
Айрилиқнинг азоби тотли.  
Борлигингни ўзи бир иқбол,  
Борлигингга шукур Озодлик.

Даркор эмас сенингсиз осмон,  
Ва сенингсиз даҳолик, зотлик.  
Йўқлигинг ҳам борингдан нишон,  
Йўқлигингга шукур Озодлик.

Тўйиб-тўйиб олмасин нафас,  
Чап кўксимда бир юрак отли.  
Сен менингмас, мен ҳам сенингмас  
Мангу яшамасанг Озодлик.

• • •

Журъатим етмайди шоир бўлишга,  
Инсондек яшашга қўймас фаросат.  
Маҳкумман кимлигим билмай ўлишга,  
Худоим нахотки исмим Аросат

Худоим нахотки ёзуғим тайин,  
Худоим нахотки мен дунда ҳеч ким.  
Замин оёғимга ботар кун сайин,  
Хадсиз осмонларда келади учгим.

Журъатим етмайди...

• • •

Сиз менда кимнидир топдингиз,  
Мен сизда ўзимни йўқотдим.  
Бағримда тонг бўлиб отдингиз,  
Мен сизда ўзимни йўқотдим.

Жоним тарк айлади жисмимни,  
Унутган ўхшайман исмимни,  
Кўрмадим кўзгуда расмимни,  
Мен сизда ўзимни йўқотдим.

Не учун кўзимда кўзим йўқ,  
Не учун сўзимда сўзим йўқ,  
Не учун ўзимда ўзим йўқ,  
Мен сизда ўзимни йўқотдим.

Осмонлар заминга бўйлади,  
Окшомлар тонгларни ўйлади,  
Мен сизни шунчаки суймадим,  
Мен сизда ўзимни йўқотдим

Сизни ўйламаган пайтим йўқ,  
Сиздан ўзга сўзни айтгим йўқ,  
Мен энди ўзимга қайтгим йўқ,  
Мен сизда ўзимни йўқотдим.

\* \* \*

Менам хақнинг суйган бандаси,  
Менам осмон, менам ермасман.  
Худойим ўзидан қўймасин,  
Дилимни дилсизга бермасман.

Шундоғам ғамларга галошман,  
Нурлари беминнат қуёшман,  
Йўқ, энди севгида адашман,  
Дилимни дилсизга бермасман.

Ғарибман тўқсамда виқорлар,  
Умримга бегона баҳорлар,  
Дилимда минг битта мазорлар,  
Дилимни дилсизга бермасман.

Кўкка совургансиз кулимни,  
Шамолга отгансиз гулимни,  
Мен қандоқ ишонай дилимни,  
Дилимни дилсизга бермасман,  
Дилимни бир сизга бермасман.

\* \* \*

Гулдан чехра бердинг, самодан юрак,  
Тангрим, ишқни кўрдинг раволар менга.  
Бир куни самога айлансам керак,  
Ва ё айланади самолар менга.

Ўшанда абрлар синглим бўлгайми,  
Ёмғирлар, уммонлар кўнглим бўлгайми,  
Мендан заминларнинг кўнгли тўлгайми,  
Ошиқлар айтарми санолар менга.

Бағримда эрк деган кушлар учгайми,  
Хеч кимса кўрмаган тушлар учгайми,  
Моҳларнинг бошидан хушлар учгайми,  
Мени тунлар суюб, тонглар қучгайми,  
Маломат қилмасми Хумолар менга.

Кўклам кучогимда яшнаб ўтгайми,  
Саратон сирларин ташлаб ўтгайми,  
Кузлар кўзларини ёшлаб ўтгайми,  
Қишлар юрагимда кишлаб ўтгайми,  
Фасллар қилмасми даъволар менга.

Юдузлар измимда порлагайларми,  
Малаклар базмига чорлагайларми,  
Ушшоқлар нигоҳин олмагайларми,  
Ишк бўлиб боргайми гунолар менга.

Гулдан чехра бердинг, самодан юрак,  
Тангрим, ишкни кўрдинг раволар менга.  
Бир куни самога айлансам керак,  
Бир куни айланар самолар менга.

• • •

Қўнғироқ қиламан қайта ва қайта,  
Юрагим энтикиб қўймайди.  
Бир жанон рашкимни келтириб айтар:  
«Рақамга... боғланиб бўлмайди».

Гўё жон узилар танамдан,  
Гўё тўхтаб қолар соатлар.  
Боғланиб бўлмайди рақамга,  
Тугайди сабрлар, тоқатлар.

Нахотки бир оғиз хайрга,  
Етмаса қимматли вақтингиз.  
Сизни чорламайман сайрга,  
Эгасиз колмагай тахтингиз.

Чунки мен ҳар қандай баҳона,  
Ҳар қандай сабабдан улканман.  
Рақамингиз қолсин ордона,  
Мен сизга боғланиб бўлганман.

Қўнғироқ қиламан минг марта,  
Жонон такрорлашни қўймайди,  
Биз сизга боғланиб бўлсақда,  
Рақамга боғланиб бўлмайди.



\*\*\*

*Раҳмингиз келмаса ҳам ўзингиз келинг.*

И. Мирзо сатри

Раҳмингизни юборманг менга,  
Менга фақат ўзингиз келинг.  
Худбинлигу гурурни енга,  
Менга фақат ўзингиз келинг.

Сизсиз бахтнинг келгани абас,  
Сизсиз тахтнинг келгани абас,  
Суъратингиз, жисмингиз эмас,  
Менга фақат ўзингиз келинг.

Ошиқларни роҳда қолдириб,  
Аламларни чоҳда қолдириб,  
Ғанимларни доғда қолдириб,  
Менга фақат ўзингиз келинг.

О, биламан, кўнмайди юрак,  
Сизсизликка дўнмайди юрак,  
Беназирга ўзингиз керак,  
Менга фақат ўзингиз келинг.

Раҳмингизни юборманг менга...

\*\*\*

*Дунёга келиб лойиға билмай бота қолдим*

Машраб

Ярал дединг, яралди очун,  
Меҳринг ила сийладинг Ё Раб!  
Лойдан бино қилганинг учун,  
Дунёйингни лойладим Ё Раб!

Иймон эди сен тиккан байроқ,  
Не тонг унга чикдим ўгайроқ,  
Қашшоқларинг бойингдан бойроқ,  
Бунча қашшоқ бойларинг Ё Раб!

Ул байрокни сотдим уялмай,  
Рухимга тош отдим уялмай,  
Бўғзимгача ботдим уялмай,  
Нега юмшоқ лойларинг Ё Раб!

Аммо айтди пичирлаб лабим,  
Сенинг васлинг, менинг матлабим,  
Севган каби далли Машрабинг,  
Юрагимга жойладим Ё Раб!

\* \* \*

Кўксим совут, нигоҳингиз ўк,  
Лашкар-лашкар ситамларингиз.  
Сиз кўчамдан ўтганингиз йўк,  
Юрагимдан кадамладингиз.

Кўзларимда кўзингиз дайди,  
Сўзларимда сўзингиз дайди,  
Сизни мендай севолмагайдир,  
Мендан яқин одамларингиз.

Ишкимизга адл этмайсиз,  
Ё гурурни қатл этмайсиз,  
Севгимизчун надир этмайсиз,  
Шунча кўпми аламларингиз.

Менсиз баҳор бўлгайми айтинг,  
Менсиз кунлар кулгайми айтинг,  
Беназирсиз тўлгайми айтинг,  
Ўн саккиз минг оламларингиз?

Кўксим совут, нигоҳингиз ўк,  
Лашкар-лашкар ситамларингиз.  
Сиз кўчамдан ўтмадингиз, йўк,  
Юрагимдан кадамладингиз.

\*\*\*

Этмайсизми мени бахтиёр,  
Ё бағримни тигламайсизми.  
Сукунатни қилмай ихтиёр,  
Кулмайсизми, йиғламайсизми?

Кўнглингизда борлигим чинми,  
Сизга кимман, ёрлигим чинми,  
Бир сўз демай севмок расимми,  
Кулмайсизми, йиғламайсизми?

Дилда эсиб ишқ деган эпкин,  
Сизни банди этмадимикин,  
Нега-нега руҳингиз сокин,  
Кулмайсизми, йиғламайсизми?

Беназирнинг жони ҳалакда,  
Тилар сизни ҳар бир тилакда,  
Парвойингиз мудом фалакда,  
Ҳисларимни илғамайсизми,  
Кулмайсизми, йиғламайсизми?

\*\*\*

Биздан бахтни аядими рашқ,  
Ҳадя этди бир олам ҳадик.  
Қандай бўлур қизғонмай яшаш,  
Билмадинг, билмадим, билмадик.

Кетса ҳамки баҳорлар елиб,  
Кўзимизда кузларнинг сели,  
Севгилим бу дунёга келиб,  
Кулмадинг, кулмадим, кулмадик.

Ато қилгач Атони Ўзи,  
Берди ишқдай хатони Ўзи,  
Суйдирган ҳам Худонинг Ўзи,  
Бизлар унга куфр қилмадик.

Ҳажр бизга шайдолар бўлди,  
Кўз ёшимиз дарёлар бўлди,  
Йўлларимиз айролар бўлди,  
Сен Тохир, мен Зухро бўлмадик.  
Ўлмадинг, ўлмадим, ўлмадик.

\* \* \*

Мен курашда енгилдим осон,  
Тушурдим шимарган енгимни.  
Йўлатмадинг менга Художон,  
Фаним бўладиган тенгимни.

Каслар юрди теварагимда,  
Қоя эдим нурутди зимдан.  
Бугун бошим қолди илкимда,  
Чиқиб кетдим тамом ўзимдан.

Қадамимда унди ғийбатлар,  
Севгим — ёлғиз хатойим бўлди.  
Кўролмади нияти бадлар,  
Ишк шаҳридан сазойи бўлдим.

Мен курашда енгилдим осон.  
Яширдим кўзимда мунгимни,  
Йўлатмадинг менга Художон,  
Фаним бўладиган тенгимни.

\* \* \*

Осмон эдим, беғубор эдим,  
Боринг учун заминга тушдим.  
Асли менга интизор эдинг,  
Ёлғиз сени гамингга тушдим.

Уммон эдим, ишк бўлиб окдим,  
Юрагингни дарёларида.  
Бахтнинг ўзи хасадда бокди,  
Иккимизга дунёларингда.

Қуёш эдим, куйдирдим ерни,  
Келолмади ҳеч ким тафтимга.  
Тангрим менга ўзингни берди,  
Бахтсизлигим ёки бахтимга

Ошиқ эдим, девона эдим,  
Қурбим кўкни қучгани етди.  
Дайр-майсиз майхона эди,  
Юлдузларни ичгани кетдим,  
Осмон бўлиб учгани кетдим.

### ДИЛШОДА ОПАГА

Қайтмасада ортига умр,  
Тизилсада йиллар қарвони.  
Енгилмайсиз унга барибир,  
Сиз ўшасиз Дилшодахоним.

Тушмагайсиз диллар кўшқидан,  
Ҳаётсизки ҳаёт ишқиди,  
Куй ишқиди, баёт ишқиди,  
Ҳўп жўшасиз Дилшодахоним.

Ғайратингиз қайси қиздан кам,  
Сийратингиз қайси қиздан кам,  
Бор латофат ўзингизда жам,  
Навқиронсиз Дилшодахоним,

Сиз уммонсиз нурдан яралган,  
Нурданми ё ҳурдан яралган,  
Номи захматларда юксалган.  
Самодилим, бағри уммоним.  
Паричехра Дилшодахоним

Ҳаёт сизга, сиз унга ошиқ,  
Давраларга гул-гул ярошиб.  
Яна сонсиз доvonлар ошиб,  
Минг йил яшанг Дилшодахоним.

*Маҳмуда ҳожи она  
ва Дадахон ҳожи оталарга*

Кўнгил Каъба янглиғ иморат бўлса,  
Сиз минг кўнгилларни обод этгансиз.  
Кўнгилни шод айлаш зиёрат бўлса,  
Сизлар Ҳожи бўлиб Ҳажга етгансиз.

Савоблар унгайдир остонангиздан,  
Кимлар жой олмаган дилхонангиздан,  
Ҳақнинг ёзуғи бор пешонангизда,  
Сиз минг кўнгилларни обод этгансиз.  
Демак, Ҳожи бўлиб Ҳажга етгансиз

Осмондай покиза ниятларингиз,  
Меҳрдир калому оятларингиз,  
Ўзингиздай қобил фарзандларингиз,  
Оилани ишқдан бунёд этгансиз,  
Минг бор Ҳожи бўлиб Ҳажга етгансиз.

Мадинам ўзингиз, Маккам ўзингиз,  
Ками кўп дунёда бекам ўзингиз,  
Элим деб захматлар чеккан ўзингиз,  
Беназир кўнглини обод этгансиз,  
Сизлар Ҳожи бўлиб Ҳажга етгансиз.

\* \* \*

Мен шоир бўлишнинг қасдида,  
Яшайман ўзгалар наздида.  
Гоҳида парволар қилмайман.  
Йиғлагим келади баъзида,  
Шоир бўлмасликни билмайман.

\* \* \*

Келмоқчиман дунёга қайта,  
Бўлмоқчиман дунёда эркин.  
Кел, ўзимни ўзимга қайтар,  
Кел, ўзимни ўзимга бергин.



Якин бўлдим йироқларингда,  
Чакин бўлдим чакмоқларингда,  
Ўлмай ўлдим фироқларингда,  
Кел, ўзимни ўзимга бергин.

Токай, токай пойингда ерман,  
Токайгача мен сени дерман,  
Юрагингни бермасанг берма,  
Кел, ўзимни ўзимга бергин.

Ол, ишқ тўла дунёларимни,  
Ҳаловатни кўзимга бергин.  
Ўзимга бер рўёларимни,  
Кел, ўзимни ўзимга бергин,  
Мен ўзимни сўзимга бергум.

### ХАЛҚОНА ЙЎЛДА

Асл ёринг-бўлса хўп тоза бўлса,  
Вафоси Эл аро овоза бўлса.  
Тилидан бол каби тинмай тўкилсанг,  
Ва ё бол бўлса у сен коса бўлсанг.

Юракдай асраса берган туморинг,  
Бўйидан ўргилиб ёзсам хуморинг,  
Чинорлар ичида ёлғиз чиноринг,  
Ки тоғларга ўзи андоза бўлса.

Дилида бўлмаса зарра гумони,  
Нураб кетсанг назар қилган замони,  
Чинорни баргидек титратса жонинг,  
Қани энди киёсин ёза бўлса.

Ўшал ёр боқмаса жаноналарга,  
Ўзи ошно, дили бегоналарга,  
Бошини қўймаса остоналарга,  
Яратганга борар дарвоза бўлса.

Асл ёринг бўлса хўп тоза бўлса,  
Ўшал ёринг ғамдин озода бўлса.



Кучарга ёр, ичарга бода бўлса,  
У хон бўлса, ўзим хонзода бўлсам,  
Асл ёрим бўлса хўп тоза бўлса...

\* \* \*

Тоғлар бериб ётар бағрини захга.  
Дарахтлар Тангридан нажот тилайди.  
Хеч кимса давогар эмас дўзахга,  
Жаннатни оқилу осий ўйлайди.

Гарчи гунохлари бўлсада сонсиз,  
Гуноҳи кабирдан ўзин тиймайди.  
Хеч кимса демайди: менда иймонсиз  
Жаннатни оқилу осий ўйлайди.

Ким айтар иборат дунё ғамлардан,  
Дунёни ким берган нахот билмайди?  
Хеч ким ёниб кўрмас жаҳаннамларда,  
Жаннатни оқилу осий ўйлайди.

Кимлардир беҳиштга етиб бормасдан,  
Беҳишт хурларидан эртақ сўйлайди.  
Тоат ибодатдан ҳали ҳормасдан,  
Жаннатни оқилу осий ўйлайди.

Мен ҳам ўшаларнинг бириман Раббим,  
Ўйламайин десам юрак қўймайди.  
Жаннатларинг эрур ёлғиз матлабим,  
Дўзахларни эса... жиним суймайди.

Жаннатни оқилу осий ўйлайди.

\* \* \*

Кўзларингдан кўзимни топдим,  
Сўзларимдан топдим сўзингни,  
Мен ўзингдан ўзимни топдим,  
Ўзгаларга берма ўзингни.

Дилдош бўлгин туйғуларимга,  
Сирдош бўлгин қайғуларимга.  
Шодлик улаш кулгуларимга,  
Ўзгаларга берма ўзингни.

Армонларга тўйдирма мени,  
Гумонларга суйдирма мени.  
Ёрижоним куйдирма мени,  
Ўзгаларга берма ўзингни.

Рашк дегани адо қилади,  
Қалбим ўртаб нидо қилади.  
Мен Ўзидан йиғлаб тиладим,  
Ўзгаларга берма ўзингни.

Кўзларингдан кўзимни топдим....

\* \* \*

Лахзалик умримда сайёдсиз,  
Бўғзимга сизмаган фарёдсиз,  
Жонимни олгувчи жаллодсиз,  
Билмадим, билмадим мен кимман?  
Сиз учун ҳеч кимман?

Қалбим саройида султонсиз,  
Не учун меҳрда аљвонсиз,  
Жоним деб чорласам бежонсиз,  
Билмадим, билмадим мен кимман?  
Сиз учун ҳеч кимман?

Бағрим ўртасангиз мамнунсиз,  
Бағрингиз ўртанса беунсиз,  
Кимларни ишкида мажнунсиз,  
Билмадим, билмадим мен кимман?  
Сиз учун ҳеч кимман?

Туйғулар хушини йиғмайди,  
Ишким дунёларга сизмайди,

Кўксимни бир савол тирнайди,  
Севгилим билмадим мен кимман?  
Не учун ҳеч кимман?

\* \* \*

Тундай қаро бўлди кўзим қораси,  
Сабримга кафанлар бичиб йиғладим.  
Йиғламай яшашнинг қолмай чораси,  
Мен бугун ўзимдан кечиб йиғладим.

Соғинчлар дилимни вайрона қилди,  
Саболар севгимни афсона қилди,  
Ишқ тўла бағримни майхона қилдим,  
Кўзларим ёшини ичиб йиғладим.

Сизсиз ашъоримда жаранг қолмади,  
Сизсиз ёр-ёримда оҳанг қолмади,  
Сизсиз дунёларда оқ ранг қолмади,  
Рухим қароларда учиб йиғладим.

Хижрон водийсига ташлаб кетдингиз,  
Куйган юрагимни ғашлаб кетдингиз,  
Бунча узоқларда кишлаб кетдингиз,  
Энди келмайсиз деб чўчиб йиғладим.

Тундай кипригимда тунамадингиз,  
Богим деб ишонсам унамадингиз,  
Тоғим деб суянсам суямадингиз,  
Дилимдан тоғларим кўчиб йиғладим.

Ягона эсамда нигоҳингизда,  
Ягона эмасдим дилгоҳингизда  
Ўзгалар ухласа кучоғингизда,  
Мен хиссиэ болишни кучиб йиғладим.

Тундай қаро бўлди кўзим қораси...



\* \* \*

Қуёш бўлсанг осмонингда тур,  
Осмон бўлсанг бўйлама ерга,  
Худо сенга ишқ бермагандур,  
Осмон қадар осмонлиғ берган.

Юлдуз бўлсанг кўкда чаракла,  
Қамаштирма кўзларни бунча.  
Кимга керак ердан узоқлаш,  
Фонийда мухаббат вақтинча.

Хилол бўлсанг порлама кундуз,  
Сенга ҳадя этилган тунни.  
Ойу қуёш ҳаттоки юлдуз,  
Кўрки эмас дунёйи дуннинг.

Осмон бўлсанг осмонингда тур,  
Жоним ерни айлама гўша,  
Тагри сени яратмаган хур,  
Инсон бўлсанг инсондек яша.

\* \* \*

Рухим осмонларга кетмоқчи учиб,  
Жисмимга қолдириб ғариб дунёни  
Дейман шошма руҳим ахир биз учун  
Бу кун мухаббатнинг таваллуд они....

Бу кунда туйғулар туғилди қайта,  
Бу кунда бирлашди замин билан кўк.  
Юрагим қафтимга сиғмаган пайтда,  
Мани оламларда зарра ишим йўк.

Бу кун икроридан айланди бошим,  
Бу кун.... севишини асло сўрамам.  
Кўзимда қалкиди қувончдан ёшим,  
Мен уни жонимдан ортиқ кўраман.

Рухим уни дейди дунёдан кечиб,  
Истаса пойига ташлар самони  
Янги кун бошланди ишқимиз учун,  
У кун мухаббатнинг таваллуд они...

\* \* \*

Такдир йўллайверар бизга синовлар,  
Олидан келади хижрон шарпаси.  
Сизни олиб кетар темир уловлар,  
Менинг шамолларга келар ҳавасим.

Худойим боғлаган руҳларимизни,  
Кўкда муҳрлаган ишқнинг халқасин.  
Ўғирлаб кетади хаёллар сизни,  
Менинг хаёлларга келар ҳавасим.

Қўл силтаб дунёнинг қонунларига,  
Бир кун бузиб ташлар юрак қафасин.  
Сизни ишонтирар афсунларига,  
Менинг дунёларга келар ҳавасим.

Унчалар кенг эмас муҳаббат шаҳри,  
Сиз десам кўзимга келади ашким,  
Сизни олиб кетди ўзгалар меҳри,  
Менинг ўзгаларга келади рашким.

\* \* \*

Яхшиям бош қўйсам замин бор,  
Интилсам осмон бор яхшиям,  
Менинг Сиздан бўлак кимим бор,  
Сиз каби инсон бор яхшиям.

Нигоҳим тоғларни эгади,  
Лек руҳим безовта негадир,  
Кўксимда севги бор беқадр,  
Сиз учун гумон бор яхшиям.

Яхшиям майсага қуёш бор,  
Яхшиям кулги бор, кўз ёш бор,  
Ёмонлар йиғлатса бардош бор,  
Яхшига ёмон бор яхшиям.

Садоқат умрнинг елкани,  
Хижрон бор аламлар чеккани,



Тубига беминнат чўққани  
Ишк деган уммон бор яхшиям.

Яхшиям ҳаёт бор синовли.  
Савоби гуноҳи ўлчовли,  
Йўллари тиконли оловли...  
Биргина имкон бор яхшиям.

Менсимай шайтоннинг макрини,  
Унутмай бу дамлар шукрини,  
Айтайлик Аллоҳнинг зикрини,  
Кўнгилда иймон бор яхшиям.

\* \* \*

Ё Раб, ман ўзимга кунда бўлибман,  
Бандангни куйида банда бўлибман,  
Йиғласа кўзига кўз ёшдай тўлиб,  
Кулса лабларига ханда бўлибман.

Ман осий кутибман севгимга ажр,  
Олганим дунёда дунёча хажр,  
Бокса гулдай яшнаб, боқмаса сўлиб,  
Кечир, ибодатдан канда бўлибман.

Билсам фоний ишқи алдамчи экан,  
Савдоси бўйнима арғамчи экан,  
Туну кун васлида минг бора ўлиб,  
Руҳимни азоблаб танда бўлибман.

Ёрим ёр айлади гумонларини,  
Кўрмади рангимнинг сомонларини,  
Кўксимга яшириб исёнларимни,  
Кўнгли қайда бўлса анда бўлибман.

Ё Раб ибодатдан канда бўлибман,  
Руҳимни йиғлатиб танда бўлибман,  
Бандангни хажрида банди бўлсам ҳам,  
Бандангдек Ўзингга банда бўлибман.



\* \* \*

«Сени осмонимга олиб кетаман»  
М. Юсуф

Юринг осмонимга кетаман олиб,  
Улоктириб ташланг дилдан аламни.  
Нетамиз одамлар чўнтакка солиб,  
Фижимлаб ташлаган хиссиоз оламни.

Юринг осмонимга кетаман олиб,  
Йўқ деманг мен билан мангу қолишга.  
Рухиму дунёни айласин ғолиб,  
Булутлар айлансин оппоқ болишга.

Юринг осмонимга кетаман олиб,  
Алданманг дунёнинг ишваларига.  
Хилолни чилдирма ўрнига чалиб,  
Ўйнаймиз юлдузнинг жилваларига.

Юринг осмонимга кетаман олиб,  
Бир кулба қурамиз аршнинг тоқига.  
Ишонгим келмайди ўзгалар қолиб,  
Сиз билан заминда яшамогимга.

Юринг осмонимга кетаман олиб...

\* \* \*

Кумуш дардингизни англадим бугун,  
Сиз кўрган азоблар тушди бошимга.  
Мен сизнинг қисматни танладим бугун,  
Айланиб қолдингиз қисматдошимга.

Зайнаб, юрагингиз экан чил-парчин,  
Дунёни кўмаркан хасратларингиз.  
Бекнинг севгисига арзиркан гарчи,  
Бегойимга қилган хизматларингиз.

Кумуш ишқ тоғига сиғмаган оху,  
Бахтини ўзгага бўлишган бека.



Сизга захар тутди рашиқ деган оғу,  
Армон кучоғида ётган малика.

Зайнаб сиз шунчаки хоҳиш қурбони,  
Севиб севилмаган ораста санам.  
Сиз ҳам севмасдингиз беишқ дунёни,  
Азизам, ожизам, бечорагинам.

Кумуш, Отабекнинг ёлғиз муроди,  
Сиз ҳам йиғлагансиз мен каби тунлар.  
Ҳали олдиндаку менинг хаётим,  
Ҳали олдиндаку ўтмаган кунлар.

Зайнаб орзусига етмаган фаним,  
Бўйсунгингиз келмас нечун тақдирга.  
Ахир сиз эмассиз бекнинг суйгани,  
Ахир... сиз лойиқсиз Қоработирга.

Кумуш, дардингизни англадим бугун...

\* \* \*

Кутаман кўзимни осмонга қадаб,  
Биламан сиз яна кўкдан келасиз.  
Биламан кетгансиз йўқликка қараб,  
Биламан келсангиз йўқдан келасиз.

Нетаман файзи йўқ дунёда сизсиз,  
Қайси ошиқ кезган саҳродасиз сиз,  
Биламан еттинчи самодасиз сиз,  
Келсангиз бўрондай, ўқдай келасиз.

Келасиз гумондан гулчамбар боғлаб,  
Қўймайсиз холимни бир бор сўроқлаб,  
Жисмимни куйдирар тагин фироқлар,  
Жонимни ёққани чўғдай келасиз.

Шунда ҳам мен сизни кутавераман,  
Азоблар баҳридан ўтавераман,  
Олинг юрагимни сизга бераман,  
Чунки сиз юраги йўқдай келасиз.

Менинг кимлигимни яхши биласиз,  
 Бировга ёқмасам сизга манзурман.  
 Жаннат хурларини орзу қиласиз,  
 Бегим мен жаннатдан қувилган хурман.

Менинг кимлигимни яхши билади,  
 Хурга айланаман оқласа ўзи.  
 Хоҳласа дўзахга ўтин қилади,  
 Жаннатни беради хоҳласа ўзи.

Менинг кимлигимни яхши биласиз,  
 Кимгадир ёқмасам сизга керакман.  
 Билсангиз бағримни нега тиласиз,  
 Сизни деб тунлари бедор малакман.

Менинг кимлигимни яхши билади,  
 Билгани учун ҳам яратди сизни.  
 У бизнинг севгига оқ йўл тилади,  
 Дилимда дур этиб таратди сизни.

Яхши биламизми ўзимиз Ҳақни,  
 Шукур қиламизми берганларига?  
 Англаб кўксимизда порлаган бахтни,  
 Бирга кирамизми Эрамларига?

Сиз учун жаннатдан қувилган хурман...

## ИҚРОР

Сиз мени деб ҳалаксиз кунда,  
 Мен кимни деб ҳалакман она.  
 Бу бевафо дунёи дунда,  
 Фақат сизга керакман она.

Мухлисимга қаламим керак,  
 Фанимимга аламим керак,  
 Суйганимга қасамим керак.  
 Ҳабибимга хуш дамим керак,  
 Сизга ўзим керакман она.



Демам кўз ёшингиз аритдим,  
Сизни ёлғиз ўзим қаритдим,  
Йўғингизни қачон бор этдим,  
Кўзингизни интизор этдим,  
Қанчалар тошжюракман она.

Эгиб қўйса қаддимни ғамлар,  
Парвоз этса теграмда камлар,  
Ёмон деса «яхши» одамлар,  
Сизнинг учун малакман она.

Кўтарайин дейсиз андуҳим,  
Исён қилса танамда руҳим,  
Юрагимда битта шуқуҳим,  
Ёлғиз сизга керакман она,  
Шундан бағри фалакман она.

Яратганга танҳо арзим бор,  
Умрим бўйи тиргакман она.  
Қарзим бўлса сиздан қарзим бор,  
Ёнимдасиз юксакман она.  
Факат сизга керакман она.

\* \* \*

Чўксам босаверар мени бу ғамлар,  
Чексам сиғаверар дунёга оҳим.  
Тўксам келаверар кўзимга намлар,  
Сен уни соғинчга ёр қил илоҳим.

Бағрини ўртасин ишқ деган тилсим,  
Асл муҳаббатнинг каддини билсин,  
Барча орзулари мустажоб бўлсин,  
Унга не истаса бор қил илоҳим.

Кечир менга берган ситамларини,  
Кетказ юрагидан аламларини,  
Жам эт бу дунёнинг санамларини,  
Сочларин бўйнига дор қил илоҳим.

Хар лаҳза омади қўлида бўлсин,  
Туганмас давлати йўлида бўлсин,  
Дўстлари ўнгида сўлида бўлсин,  
Унинг фаниларин хор қил илоҳим.

Дилдан кайғулари кетсин дарбадар,  
Шодликдан кўнглини осмонга кўтар,  
Севилсин сочидан тирноғи кадар,  
Бир менинг меҳримга зор қил илоҳим.

\* \* \*

Мен чорасиз ишқ бандасиман,  
Ҳижронларнинг арзандасиман,  
Нолаларим бўлсада хазин,  
Ноз этмаган чирмандасиман.  
Юрагимга чертиб ўтади.

Мен гулзорда энг нафис гулман,  
Наволари бийрон булбулман,  
Орзуларим бўлса-да азим,  
Ишқ юртидан қувилган қулман.  
Ошиқлари туртиб ўтади.

Изламайди мени изларим,  
Суйганларим юраксизларим,  
Тундай қаро бўлса-да кўзим,  
Бевафолар қаро юзларин.  
Этагимга артиб ўтади.

Жоним дейди бежонлар билсам,  
Қалбим тўла армонлар билсам,  
Дуолари бўлса-да узун,  
Ким севгимга гумонлар қилса.  
Бу дунёдан ёрти ўтади.

Келасизми эртага жоним,  
Ўзгартириб қарорингизни?  
Ушаларму айтинг армоним,  
Кўраманми дийдорингизни?

Келасизми эртага жоним,  
Тўласизми кучокларимга?  
Улоктириб бехис дунёни,  
Нукта қўйиб фирокларимга?

Келасизми эртага жоним,  
Бўламизми висолдан сархуш?  
Босиларми қалбнинг исёни,  
Бағрингизда кўраманми туш?

Келасизми эртага жоним,  
Лаҳзаларни колдириб ортда  
Алпомишдай кезиб самони,  
Келасизми оппоқ ғиротда?

Келасизми эртага жоним,  
Кирасизми руҳимга қайта?  
Жисмингизда оқарми қоним,  
Ўламанми исмингиз айта?

Келасизми эртага жоним,  
Топадими хижронлар тўзим?  
Тугайдими айрилиқ они,  
Яшайманми эртага ўзим?

Келасизми?...



\* \* \*

О шафқатга ўрин йўқ бунда...  
Гулжамол

Кўзларингиз боқади хайрон,  
Кўзларимнинг қораларида.  
Юрагингиз ёнар беомон,  
Икки ўтнинг ораларида.

Бири шафқат, бири мухаббат,  
Торткилайди сизни ўзига.  
Сиз шафқатни танлайсиз албат,  
Ёш тўлдириб ишқнинг кўзига.

Аро йўлда турасиз сарсон,  
Билмай кимни суйишингизни.  
Истар эдим қандоқ ёрижон,  
Кўксимга бош қўйишингизни.

Шафқатнинг ҳам истаклари мўл,  
У ҳам Ҳақнинг суйган бандаси.  
Жоним сизда икки таниш йўл,  
Кўп ёнасиз бу гулханда сиз.

Кўзларингиз қилади исён,  
Кўзларимнинг қораларида.  
Сиз барибир чиқасиз омон,  
Икки ўтнинг ораларидан.

Бир йўл турар энди мунғайиб,  
Балки энди кўнгил тўлади.  
Бағрингизда шафқат улғайиб,  
Бағрингизда севги ўлади.

Мухаббатга ўрин йўқ бунда.

\* \* \*

Сиз бор дунёларда севинч бор,  
Топганим — сиз, танлаганим — сиз.  
Олам ишққа битта ўтинч бор,  
Рухим дейди фақат маним сиз.

Осмон куйиб кетар рашкимдан,  
Умрим бўйи излаганим сиз.  
Яғонасиз кўнглим кўшқида,  
Рухим дейди фақат маним сиз.

Гоҳо севгим келади малол,  
Гоҳо қалби музлаганим сиз  
Лекин рухим дейди бемалол,  
Сиз манимсиз, ёлғиз манимсиз.

Гарчи сизга парвоналар кўп  
Фаришталар кўзлаганим сиз.  
Жон бергувчи жаноналар кўп,  
Лек рухим дер ёлғиз маним сиз.

Йўлимизда минг бир синовлар,  
Синовлардан безмаганим сиз.  
Нима деса десин бировлар,  
Сиз маним сиз, ёлғиз маним сиз.

Жаннат эмас дунёйи кабир,  
Суйганим сиз, суймаганим сиз.  
Сўзлайверар рухим барибир,  
Сиз манимсиз бегим манимсиз.

\* \* \*

Мен бугун англадим дунёга келиб,  
Яшамас эканман энди яшадим.  
Порладим қалбимнинг куёши бўлиб,  
Сенсиз яшадиму сенда яшадим.

Кўзларинг мангуга кўзимда қолди,  
Исминг алам бўлиб бўғзимда қолди,

Ўзингдан кетсанг ҳам ўзимда колдинг,  
Менсиз яшасанг ҳам менда яшадинг.

Дунёда борингни саодат билдим,  
Кўнглинг меҳробида ибодат қилдим,  
Кечир севмайсан деб маломат қилдим,  
Билмайман мен қайси динда яшадим,  
Билганим мен фақат сенда яшадим.

Шунчаки севмадим юракдан севдим,  
Заминда бўлсанг ҳам фалакдай севдим,  
Ёсумандай ёндим, малакдай севдим,  
Шодликда яшадим хунда яшадим,  
Сенсиз яшадиму сенда яшадим.

Мен бугун англадим дунёга келиб,  
Асло яшамабман энди яшадим.  
«Айт қандок яшадинг» менсиз севгилим,  
Мен сенда яшадим, сенда яшадим.

\* \* \*

Юрагим учишни истайди,  
Кўлларим қучишни истайди,  
Сиз билан, сиз билан борлигим,  
Ўзидан кечишни истайди.

Сўзларим сўзингиз адоси,  
Кўзларим кўзингиз гадоси,  
Беҳаё бармоқлар садоси,  
Тугмангиз ечишни истайди.

Кўксим кўксингизга ботсам дер,  
Бошим елкангизда ётсам дер,  
Тун кунга сирларим сотсам дер,  
Ўзидан кетишини истайди.

Очасиз қалбимнинг қулфини,  
Кафтингиз қўмсайди зулфимни,  
Нигоҳлар тарк этмай урфини,  
Сизни жим кутишни истайди.



\* \* \*

Ҳеч кимга бермасдим мен сизни,  
Бандаман, ўзимда эрким йўк.  
Худбин деб ўйламанг мен кизни,  
Мен сизни ҳеч кимга бергим йўк.

Сиз мени ғамларга тутгайсиз,  
Қайғу аламларга тутгайсиз,  
Нечун заволимни кутгайсиз,  
Рухимни қайғуда кўргим йўк,  
Мен сизни ҳеч кимга бергим йўк.

Дилсизлар ташнадир қонима,  
Ёр десам ёв келар ёнима,  
Жонингиз жонмасми жонима?  
Кўксимни хижронга кергим йўк,  
Мен сизни ҳеч кимга бергим йўк.

Кўнглимда муҳаббат яшарди  
Меҳрим пойингизга тўшардим  
Мен жонимсиз қандок яшардим  
Соғинчлар шаҳрида юргим йўк  
Мен сизни ҳеч кимга бергим йўк.

\* \* \*

Осмонни нигоҳга қамаб бўлмайди,  
Юракнинг дарзини ямаб бўлмайди,  
Дунёда иложсиз ишлар кўп экан,  
Барини бирма-бир санаб бўлмайди.

Дарёни тескари буриб бўлмайди,  
Вақтни орқасига суриб бўлмайди,  
Ҳаёл самоларда учгани билан,  
Ҳавода муаллақ юриб бўлмайди.

Кўкдаги ҳилолни узиб бўлмайди,  
Юлдузни маржондай тизиб бўлмайди,  
Дунёни сув кечмай кезиб бўлмайди,  
Эртанги ишларни сезиб бўлмайди.

Куёшнинг нуридан ушлаб бўлмайди,  
Булутнинг кўксига муштлаб бўлмайди,  
Ёзнинг чилласида кишлаб бўлмайди,  
Орзуни қудукка ташлаб бўлмайди.

Отанг ерга берсанг қайтиб келмайди,  
Волиданг аллалар айтиб келмайди,  
Қиёматга қадар ерга кирганлар,  
Қиёматга қадар дайдиб келмайди.

Жаннатга тоатсиз бориб бўлмайди,  
Уммонни иккига ёриб бўлмайди,  
Нафсининг илкидан ушламаганлар,  
Тангрининг олдида ғариб бўлмайди.

Ошиқнинг ҳолига кулиб бўлмайди,  
Дилдан муҳаббатни юлиб бўлмайди,  
Либосдай турланиб фаслма-фасл,  
Севгини козиққа илиб бўлмайди.

Аршда камалакни ўраб бўлмайди,  
Офтобга суқланиб қараб бўлмайди,  
Азизим дунёда ҳеч бир мўъжиза,  
Худодан бесабаб бўлмайди.

\* \* \*

Жонимлаб, жонимлаб жонингиз олган,  
Жанонлара боқманг жанонингиз мен.  
Сизни деб ўзини минг куйга солган,  
Ғарибингиз менман, девонангиз мен.

Боримни бахшида этгим бор сизга,  
У дунё, бу дунё етгим бор сизга,  
Лабимдан гулоблар тутгим бор сизга,  
Гулоблар ичсангиз майхонангиз мен.

Асли ошиқларга суймоқ ибодат,  
Чин ёрнинг хажрида куймоқ ибодат,

Бандасига жаннат бўлса саодат,  
Жаннатларга элтар остонангиз мен.

Сиз менга ҳар қандай ондан суюксиз,  
Мансабу мартаба, шондан суюксиз,  
Жоним деб айтмасман, жондан суюксиз,  
Оҳ нечун, оҳ нечун бегонангиз мен.

Жонимлаб, жонимлаб жонингиз олган,  
Жанонлар мен эмас, жанонингиз мен.  
Сизни деб ўзини минг куйга солган,  
Эл ичра шоири девонангиз мен.

\* \* \*

Мен сизни кўп севдим беадад севдим,  
Севгимдан чексизроқ санок топмадим.  
Мени ҳам мен каби севсангиз девдим,  
Сиздан бу меҳрни бироқ топмадим.

Нечалар қошимда парвона бўлди,  
Машраблар кўйимда девона бўлди,  
Кўзим ошиқлара майхона бўлди,  
Лек сиздай сеҳрли нигоҳ топмадим.

Сиз билан мангуга кетмокчи эдим,  
Сиз билан тонгларни кутмокчи эдим,  
Кўнглингиз аршига етмокчи эдим,  
Манзилга етгани Бурок топмадим.

Гарчи чаманларда энг сара бўлдим,  
Беор алафларга масхара бўлдим,  
Вужудим оғриди, дил яра бўлди,  
Аммо суянгани гиёҳ топмадим.

Сизга ғурурингиз экан шум рақиб,  
Қадамда изингиз айламиш таъкиб,  
Мен эса кўксимга жимгина боқиб,  
Ўзингиздан буюк гуноҳ топмадим.

• • •

Мен энди ҳеч кимни севмайман ортик,  
Мен энди ҳеч кимдан меҳр сўрамам.  
Кўнглимни Ўзига айладим тортик,  
Сизни яратганини яхши кўраман.

Йўк энди чўкмайман кўзларингизга,  
Мен энди аҳдимда содиқ тураман.  
Пояндоз бўлмасдан изларингизга,  
Сизни яратганини яхши кўраман.

У мени алмашмас гумонларига,  
Мен унга чин дилдан йиғлаб бераман.  
Қўл силтаб дунёнинг ёлғонларига,  
Мен энди Ўзини яхши кўраман.

У мени афв этар тавбалар қилсам,  
Қалбимга иймондан қаср қураман.  
Ўзимни Ўзига маҳбуб деб билса,  
Мен Уни беминнат яхши кўраман.

Қанчалар кенг экан Ҳақнинг қарами,  
Сурсам ҳам васлида хаёл сураман.  
Васфида тебратиб ожиз қаламим,  
Сизни яратганини яхши кўраман.

Ҳар тонг каломига мунтазир бўлиб,  
Қиблага юзимни йиғлаб бураман.  
Ўзининг ишқида Беназир бўлиб,  
Бизни яратганини яхши кўраман.

• • •

Йўқотганим сабр, топганим сабр,  
Ташлаганим узун арғамчи бегим.  
Биламан севмайсиэ мени мен каби,  
Алдамчи бегима алдамчи бегим.

Ўзга санамларга гуллар терганим,  
Юракни овлашга уста мерганим,



Кўнглин бермаганим, кўнгил берганим,  
Алдамчи бегима алдамчи бегим.

Улоктириб турфа бахоналарга,  
Боргайсиз бевафо жаноналарга,  
Бокмайсиз биз каби мастоналарга,  
Алдамчи бегима алдамчи бегим.

Келмоққа етса-да имконларингиз,  
Етмайди сўнгига ҳижронларингиз,  
Махшарда тугарми ёлфонларингиз,  
Алдамчи бегима алдамчи бегим.

Мен ахир гулшанман сахро эмасман,  
Учраган ташнага дарё эмасман,  
Қалбингиз аршида зухро эмасман,  
Алдамчи бегима алдамчи бегим.

Бир куни сабримга видо айтгим бор,  
Билинг яхши отга бир қамчи бегим.  
Ҳар қандай меҳрга ахир қайтим бор,  
Алдамчи бегима алдамчи бегим.

\* \* \*

Меҳнатдан қораяр ўзбекнинг қўли,  
Меҳнатдан камашар ўзбекнинг кўзи.  
Меҳнатга туғилган ўзбекнинг ўғли,  
Меҳнатга туғилган ўзбекнинг қизи.

Бу халқни ғаниммас боласи ейди,  
Бир кун боласи ҳам боласин дейди,  
Яшармиз худойим хоҳласа дейди,  
Заҳматга туғилган ўзбекнинг ўзи.

Тангрига итоат қилар кандасиз,  
Садокат вафодан унинг жандаси,  
Бандалари ичра юввош бандаси,  
Жаннатга туғилган ўзбекнинг ўзи.

Бир этак боласин давлат билади,  
Тўртта деворини савлат билади,  
Бир оғиз раҳматга роҳат қилади,  
Раҳматга туғилган ўзбекнинг ўзи.

На тўйни билади, на бир айёмни,  
Сархушлик истаса ўқир Хайёмни,  
Худога узатиб ишк тўла жомни,  
Хайратга туғилган ўзбекнинг ўзи.

Замонлар тинади ўзбек тинмайди,  
Уммонлар тинади ўзбек тинмайди,  
Ташвишдан синмайди, дарддан синмайди,  
Тоқатга туғилган ўзбекнинг ўзи.

Олтин қидирмайди сабр топади,  
Ўзини бек билса жабр топади,  
Тушроқлар остида кадр топади,  
Ибратга туғилган ўзбекнинг ўзи.

\* \* \*

Қисматми тақдирга буйсуниб яшаш,  
Осмонлар узокми, заминлар торми?  
Бағримни ёқади рашк деган оташ,  
Бегим кўнглингизда менга жой борми?

Энди бошланарми туйғулар жанги,  
Хаётим ўтарми аламлар чекиб,  
Энди ўзгарарми севгининг ранги,  
Нечун дунёингизга келдим кечикиб?

Энди бетонами ширии рўёлар,  
Энди бедормикин дилдошим менинг.  
Оқарми мен томон оққан дарёлар,  
Порларми бахт бўлиб қуёшим менинг.

Энди юрагимга қайтарми баҳор,  
Энди боғларимда кезарми насим.

Энди орзуларим тўқарми виқор,  
Тилимдан тушмасми ишқ калимаси.

Энди тушларимни айтайми сувга,  
Тоғларга сўзлайми хасратларимни.  
Кўкларга отайми энди мангуга,  
Кўксимда ўсмаган нафратларимни.

Қисматми, тақдирми эртакка ўхшаш,  
Асло тушунмадим алифбосига.  
Бегим кўнглингизнинг мулкида яшнаб,  
Айланмадим унинг фуқаросига.

\* \* \*

Бир кун орзуларим увол бўлмайди,  
Борлигим сизга ҳам малол бўлмайди,  
Гумонлар кийнамас юрагингизни,  
Менда кимман деган савол бўлмайди.

Бир куни рашк дилни қилмайди адо,  
Оҳимга осмонлар бермайди садо,  
Чеккан азобимга сийлайди худо,  
Кўзларингиз менга хаёл бўлмайди.

Бир куни тугайди сўнгсиз хижронлар,  
Рухимни тарк этар турфа армонлар,  
Хавас қилманг менга яхши-ёмонлар,  
Хисларим нафратга қарол бўлмайди.

Бир куни шодликдан чиқмайди бошим,  
Кўзимдан сел каби оқмайди ёшим,  
Кўнглингиз аршида эй бағри тошим,  
Мендаин бокира хилол бўлмайди.

Бир куни қайғулар айланар тушга,  
Айланиб қолади юрагим қушга,  
Ўхшагим келмайди мени Кумушга,  
Кундошлиғ севгида висол бўлмайди.

Бир куни дунёга айтиб алвидо,  
Жаннатлар бағирдан бераман садо,  
Сиз мени изламанг жоним мабодо,  
Ўшанда мен каби аёл бўлмайди.

\* \* \*

Мен сизни, сиз мени кўрган замони,  
Юрагимда тоғлар нураган эди.  
Бизлар учрашмадик бесабаб жоним,  
Мен сизни Худодан сўраган эдим.

Сезардим дунёда борлигингизни,  
Менингдай телбага зорлигингизни,  
Севгим асир этди борлигингизни,  
Мен сизни Худодан сўраган эдим.

Йиғлардим кўзимни қоралар қилиб,  
Тиғлардим ўзимни поралар қилиб,  
Тунларда ухламай нолалар қилиб,  
Мен сиздан Худодан сўраган эдим.

Билмадим мен сизни қанчалар кутдим,  
Акиқ лабларимдан гунчалар тутдим,  
Сизни кўрган ондан ўзни унутдим,  
Мен сизни Худодан сўраган эдим.

Самода чарх урган кушлардан эмас,  
Сўнгига етмаган тушлардан эмас,  
Ошнолардан эмас хешлардан эмас,  
Мен сизни Худодан сўраган эдим.

Ҳижрон дамларининг бўлмайди чеки,  
Аслида бахт учун яралган эдим,  
Мен сизни севмадим жоним шунчаки,  
Севгимиз Худодан сўралган эди.

## СИЗГА

Қачон гумонлардан бўласиз холи,  
Жоним кўзларимнинг оқу қораси.  
Агар алдамаса бир кун хаёлим,  
Сиз мени Худога олиб борасиз.

Қачон ишқингизни тутмайсиз пинҳон,  
Ухламай айтасиз қачон исмимни?  
Бир куни малаклар бошимда гирён,  
Ҳарирга ўрашгай берух жисмимни.

Қачон дунё айлаб дунёлигини,  
Менсиз ғариб бўлса кучокларингиз.  
Сезасиз заминда танҳолигимни,  
Ердан узилмайди оёқларингиз.

Қачонки дийдорим машҳарга қолса,  
Қачон порламаса ишқдан кўзларим.  
Қачонки азроил жонимни олса,  
Қачон унут бўлса босган изларим.

Ўшанда йўқолур гумонларингиз,  
Ўшанда билингай менинг поклигим.  
Мен сезиб ухлайман хокдан хоклигим,  
Ўшанда босилгай исёнларингиз.

Сиз мени уйғотманг қиёматгача,  
Берманг ўзингизни хижронга шаксиз.  
Хали манзил узоқ муҳаббатгача,  
Бегим Зайнабларга хали кераксиз.

Мен эса жаннатлар ифорин сезиб,  
Ишқ тўла кўксимни Ҳаққа ёраман.  
Сиз менга ишонинг жоним, азизим,  
Мен сизни Худога олиб бораман.

• • •

Нега шоир ўлганда яхши,  
Сабабини билолганим йўк.  
Бўлолмадим одамлар нақши,  
Яхши шоир бўлолганим йўк.

Сарсонликда йилларим кечди,  
Юрагимдан макон изладим.  
Хаёт менинг конимни ичди,  
Дили сўқирларни сизлади.

Жисмимдаги жон деган кумри,  
Шоир бўлма, одам бўл деди.  
Аросатга ўралди умрим,  
Одам бўлмок хўп мушкул эди.

Қайга борсам эргашиб борди,  
Майда гаплар майда кадамлар.  
Тангрим мени сўзчун юборди,  
Шоир қилди мени аламлар.

Энди дилда ёлғиз сўроғим,  
Шоним билан ўлоламанми?  
Яхши шоир бўлибман чоғи,  
Яхши одам бўлоламанми?

• • •

Кўзларимни чўқиди қарга,  
Ўйларимни ўқиди тулки.  
Берганим йўк кўнглим уларга,  
Кўнглим эди Аллохнинг мулки.

Рухим само, нигоҳим само,  
Мен уларга кетмоқчи эдим.  
Бандасидан кўнглимни узиб,  
Яратганга етмоқчи эдим.

Кескир эди унда сўзларим,  
Ўзимники дердим дунёни,

Севдим, ёндим, аччиқ бўзладим,  
Кўрдим бандасидан жафони.

Кўнглим озод айладим, чунки,  
Унга битган эдим отингни.  
Раббим, олмай қарға ё тулки,  
Ўзинг олгин омонатингни.

\* \* \*

Ақлинг бўлса, ҳеч кимни соғинма,  
Соғинч ёмон, соғиниш унданда баттар.  
Соғинтириб яша, соғинмай яша,  
Кутма, тонгнинг ўзи ишқдай муаттар.

Баҳорни соғинма, чунки баҳордан,  
Кузнинг шамоллари елади узок.  
Қишдан қаҳрини ол, баҳорнинг ўзи,  
Ёнингга энтиқиб келади тезрок.

Гулни эркалама, капалак қувма,  
Гулга меҳр қўйсанг, эрта сўнади.  
Ойдаё юзларингни шудрингга ювма,  
Капалакнинг ўзи сенга қўнади.

Кулгини соғинма, кулдирма, кулма,  
Сен кулсанг, ким менга тиргак бўлади?  
Тубан ғанимларнинг отган тошига,  
Ҳали қўп йиғлашимиз керак бўлади.

Ақлинг бўлса, ҳеч кимни соғинма...

## ХОРАЗМ ОҲАНГИДА

Худо, умр бердинг аломат,  
Дим ёғди бошима маломат,  
Нама бу ишкми ё фирибми?  
Ман деб йиғлаганлар саломат,  
Мани йиғлатганлар юрибми?

Худо, банданг бунча золим-а?  
Чорласам, галмайди ёнима.  
Ўртамизда тоғлар турибми?  
Сизни хўп соғиндим жоним-а,  
Мани унутганлар юрибми?

Кўрмадим гунохи азимдан.  
Кўзлари кетмади кўзимдан.  
Беҳишти душима кирибми?  
Ман уни чўх севдим ўзимдан,  
Мани севмаганлар юрибми?

Гарчи севги рўё — Беназир.  
Гарчи фоний дунё — Беназир.  
Дардинг буюк, мисранг ғарибми?  
Кўй, ўксима аё Беназир,  
Олам сендай ошиқ кўрибми?

\* \* \*

Хижрон — муҳаббатнинг жазмани,  
Соғинч — унга содиқ мулозим.  
Дейсиз нега севгансиз мани,  
Сизни нега севмаслик лозим?

Нега сизни унутиш фармон,  
Нега сизга бормаслик конун?  
Ёлғон, ёлғон, хаммаси ёлғон,  
Афсун, афсун хаммаси афсун.



Сизни менчун яратган Худо,  
Мени сизчун назир айлади.  
Тухфасидан кечасизми ё?  
Жонимизга жабр айлади.

Гарчи сизни унутиш савоб,  
Гарчи эслаш гуноҳи азим.  
Холиқимга ман бергум жавоб,  
Бор гуноҳни бўйнимга осиб.  
Сизни фақат севмоқлик лозим.

\* \* \*

Хадемай тугайди тоқатлар,  
Хадемай юрагим урмайди.  
Устимдан кулади соатлар,  
Гўё вақт олдинга юрмайди.

Хадемай ойлар ҳам ботмайди,  
Яқинми руҳимнинг қазоси.  
Тонглар мазах қилиб отмайди,  
Бу менга Тангримнинг жазоси.

Хадемай тўкилар мунчоқдек,  
Йўлларга кўзимнинг қораси.  
Сиз эса қалбимиз узоқдек,  
Тобора узоқлаб борасиз.

Хадемай кадримни биласиз,  
Хадемай фаришта бўламан.  
Хадемай қачондир келасиз,  
Мен сизни соғиниб ўламан.

## ҚАЧОНДИР

Соғинчининг сочига оралади ок,  
Кута-кута тортди кўзлари хира.  
Қачондир, ёр мени кутганди шундок,  
Энди у — хотира...

Кеча олтин рангда товланган олам,  
Бугун ёпинибди оппок чодира.  
Қачондир биз бирга бўлгандик эркам,  
Энди у — хотира...

Болишим остидан топиб олсанг хат,  
Ранжима онажон, кизингдан сира.  
Қачондир севганим — аччиқ ҳақиқат,  
Энди у — хотира...

Кўкда тонг отади бесабр,  
Йиғлайди муҳаббат бокира.  
Ишқдан ўлолмади Беназир,  
Энди у — шоира...

\* \* \*

Настарин...  
Исларингга ўхшаш исларим.  
Ҳисларингга ўхшаш ҳисларим.  
Айт, нега беғубор осмонни эмас,  
Топталган хазонни қучамиз,  
Биз дунёнинг махваш кизлари.

Настарин...  
Гулларидан ўзи музтарим,  
Истаса оламни истарим.  
Айт, нечун тунларга боқамиз,  
Тонгларга ташламай кўз қирин?

Настарин...  
Фалакка кетамиз охири,  
Юракка кетамиз охири.



(Самодан тушмаймиз ҳеч қачон,  
Малакдай кетамиз охири).  
Гулингга лаб босиб йиғласин,  
Дунёнинг ман деган шоири.  
Настарин...

\* \* \*

Осмондай пок бўлишга,  
Инсонлар қўймадилар.  
Заминда хок бўлишга,  
Осмонлар қўймадилар.

Ҳақ деб ўлсам дегандим,  
Фалак бўлсам дегандим,  
Малак бўлсам дегандим,  
Шайтонлар қўймадилар.

Дардим айтсам тунларга,  
Сотди қаро кунларга,  
Юрак тўлди хунларга,  
Исёнлар қўймадилар.

Қасдим олиб қаламдан,  
Шеърлар битдим аламдан,  
Кетай десам оламдан,  
Армонлар қўймадилар.

Отдим дилни оташга,  
Ҳаёт деган курашга,  
Билганимдай яшашга,  
Замонлар қўймадилар.

Тинглаб охим, нидойим,  
Берди уни Худойим,  
Эсга солиб хатойим,  
Пушмонлар қўймадилар.

Васлин бедор тиладим,  
Мангу дийдор тиладим,

Аммо нега, билмадим,  
Гумонлар кўймадилар.

Шоир эдим бинойи,  
Кенг экан сўз саройи,  
Маддох деманг ҳалойик,  
Давронлар кўймадилар.

Бағримни дард эзарди,  
Бедардлардан безардим,  
Мен ҳақ сўзни ёзардим,  
Ёлғонлар кўймадилар.

Аламлардан ўлмадим,  
Тўкилмадим тўлмадим,  
Яхши инсон бўлмадим,  
Ёмонлар кўймадилар.

\* \* \*

Сизни ишонмайман на ер, на кўкка,  
Сиз менга ишонмай гумон қиласиз.  
Хоҳланг пойингизга тушаман чўкка,  
Нечун яратганга исён қиласиз?

Сизни деб вужудим айланар чўёга,  
Сизчи ўзингизни осмон биласиз.  
Лаҳзада айланиб юраги йўкка,  
Нечун яратганга исён қиласиз?

Сизни деб ўзимни тутаман ўкка,  
Сўз демай кўксимни нишон қиласиз.  
Сиз менга боғланиб қолишдан кўрка,  
Шундай севгимизни қурбон қиласиз.

Нечун яратганга исён қиласиз?

Мен сизни жудаям яхши кўраман,  
Севгимни айтмасам кўнглим тўлмайди.  
Мени севасанми дея сўраманг,  
Жоним, сизни ёмон кўриб бўлмайди.

Мен сизни чин дилдан яхши кўраман,  
Шу қадар севишни ҳеч ким билмайди.  
Юракда боримни сизга бераман,  
Жоним, сизни ёмон кўриб бўлмайди.

Мен сизни барибир яхши кўраман,  
Мен билан кўнглингиз ғариб бўлмайди.  
Кўксимда меҳрдан бир кўшк кураман,  
Жоним, сизни ёмон кўриб бўлмайди.

Мен сизни жонимдан яхши кўраман,  
Ишқингизда биров мендай ўлмайди.  
Яхши кўрасанми дея сўраманг,  
Сизни... сизни ёмон кўриб бўлмайди.

\* \* \*

Кўзим кўзингизга етмади,  
Изим изингизга етмади.  
Ғийбатлари бўғзимга етди,  
Ўзим ўзингизга етмадим.

Ғаним қўли ошимга етди,  
Севги менинг ёшимга етди,  
Ўжарлигим бошимга етди,  
Ўзим ўзингизга етмадим.

Муродига етди одамлар,  
Манзилига етди қадамлар,  
Менга ёмон қилди аламлар,  
Ўзим ўзингизга етмадим.

Нурлар сочди юзимга баҳор,  
Гуллар сочди изимга баҳор,

Бағрин очди ўзимга баҳор,  
Олтин кузингизга етмадим,  
Ўзим ўзингизга етмадим.

• • •

Кет дейсиз, этагинг силкитиб,  
Кўзимда ёш тўла, кетаман.  
Кетаман, дил қасрин беркитиб,  
Мен кетсам, бир йўла кетаман.

Сочимда тунаган тун ғариб,  
Менга бахт бермаган кун ғариб,  
Қоласиз ортимда мунғайиб,  
Мен кетсам, бир йўла кетаман.

Кетаман заминдан йироққа,  
Кетаман фироқдан фироққа,  
Журъатим этади кетмоққа,  
Мен кетсам, бир йўла кетаман.

Мен кетсам, нигоҳлар йиғлайди,  
Яқинлар, узоқлар йиғлайди,  
Ўзни деб, сизни деб, ишқни деб,  
Қилинган гуноҳлар йиғлайди,  
Мен кетсам...

• • •

Мен сизни қарғадим аламдан,  
Қизғондим ҳар қоши қаламдан.  
Афв этинг мендайин санамни,  
Ранжиманг мендайин санамдан.

Самогинам, осмон кадарим,  
Мен осмонни қўйдим ағдариб,  
Эндичи юрибман ахтариб,  
Заррангиз заррача оламдан.

Турсам ишк рохида чорасиз,  
Кўзимдан олислаб борасиз,  
Инсофга келсангиз зора сиз,  
Охимдан, додимдан, ноламдан.

Қарғишим бор-йўғи араздур,  
Гумоним рашк эмас, фараздур,  
Беназир сиз каби эмасдур,  
Қарғаса қарғабди аламдан.

Мен сизни қарғадим аламдан,  
Қизғондим хар қоши каламдан.  
Афв этинг мендайин санамни,  
Ранжиманг мендайин санамдан.

\* \* \*

Нуқсонларинг кипригингдан кўп,  
Гуноҳларинг бўйингдан узун.  
Ранжимаيمان, кетмаيمان совиб,  
Кечираман севганим учун.

Ишк улашган Аршдаги сахий,  
Бандасидан тиланмоқ нечун?  
Ошиқлар бўлмайди дўзахий,  
Шукур, дейман севганим учун.

Бедор ўтган тунларга касам,  
Ҳижронлардан оламан ўчим.  
Мен қайтаман, қайтиб келмасам,  
Қайтмаганим севгимиз учун.

Қошларимдек қорайганда тун,  
Бахтга бегонаман, беваман.  
Мен сени севаман мардлигинг учун,  
Номардлигинг учун севаман.



## ИЗТИРОБ

Дард айласа ҳолимни хароб,  
Суйганим ёт, дўстларим биров.  
Менинг учун ҳаммадан кўпрок,  
Онажоним чекар изтироб.

Яратгандан бахтим сўрайди,  
Тун ярмида устим ўрайди.  
Ўн саккизга кирсам-да ҳануз,  
Сочларимни ўзи тарайди.

Девона дил назмга ўчроқ,  
Назм аҳли базмга ўчроқ,  
Кўзим қиймай давралардан гоҳ,  
Қайтар бўлсам салгина кечроқ,  
Онажоним чекар изтироб.

Мадад берсин Хаста Пирим деб,  
Момолардан қолган ирим деб.  
Қўлларимга тақар кўзмунчок,  
Кўзикмасин Беназирим деб,  
Онажоним чекар изтироб.

• • •

Менсиз тонг отмасин дунёларингда,  
Сенсиз кундузимни соғинчлар ютсин.  
Оқмасман ишқ бўлиб дарёларингдан,  
Уволим тутсин-ай, уволинг тутсин.

Менсиз боғларингга келмасин баҳор,  
Сенсиз боғларимда елмасин баҳор,  
Тангридан тиладим ҳар кеч ҳар наҳор,  
Тангридан тилагин ҳар кеч, ҳар наҳор,  
Уволинг тутсин-ай, уволим тутсин.

Вафо санамлари шарҳ этсин мани,  
Қоши қаламларинг тарк этсин сани,

**Худо ғам-ғуссага ғарқ этсин мани,  
Худо ғам-ғуссага ғарқ этсин сани,  
Уволим тутсин-ай, уволинг тутсин.**

**Кимсасиз омадга кўмилиб яша,  
Афсус, надоматга кўмилиб яшай,  
Ғуноҳинг обида чўмилиб яша,  
Ғуноҳим обида чўмилиб яшай,  
Уволинг тутсин-ай, уволим тутсин.  
Менсиз тонг отмасин дунёларингда...**

## Рус тилидан таржималар

*Антонина Иплинадан*

### ВАТАН

Юртлар кўп дунёнинг харитасида,  
Барчаси фусункор. Барчаси ўктам.  
Ўшал хаританинг бир нуқтасида,  
Қуёшдай турибсан жонажон Ватан!

Йилдан йил ўсмоқда бўйларинг сени,  
Эрк деган матодан кўйлагинг сени,  
Шарқирок сой бўлиб куйладим сени,  
Эй сен заминдаги ос(и)мон Ватан!

Йўк, йўк Ватанлигинг учун севмайман,  
Кўркам чаманлигинг учун севмайман,  
Сенга дилбандлигим учун севмайман,  
Сен чиндан яхшисан онажон Ватан!

Улғайдинг, улғайдим кучокларингда,  
Сочларим ранг олди бошокларингдан,  
Бағринг топталдими оёқларимдан,  
Эй сен ҳаммамизга ошиён Ватан!

Тўғри, бу оламда Ватанлар бисёр,  
Меҳринг берсанг арзир хар биттасига.  
Лекин Ўзбекистон аталган диёр,  
Жойланган қалбимнинг харитасига.

## ОНАМГА

Она, кўзларингни остида,  
Ўргимчак тўридай ажинлар.  
Хаёт сени зилдай дастида,  
Кўйганга ўхшайди гижимлаб.

Хак меҳрини аяди чоғи,  
Очилмади бахтнинг гуллари.  
Дейсан нега яшпамоқ оғир,  
Яна ишга шўнғир кўлларинг.

Орзуларинг чўзаверар бўй,  
Лек ғамларинг ҳамон кечаги.  
Дунё бир маромда йўрғалаган куй,  
Дилбарим, мен умид чечагинг...

\* \* \*

Тушимга киради мовий гумбазлар,  
Адоғсиз йўлаклар қадимий Хива.  
Хаёл мозийларга кетар етаклаб,  
Тарих кўз ўнгимда сочади жилва.

Самарқанд, Шахрисабз, кўҳна Бухоро,  
Гўё эртаклари минг бир кечанинг.  
Бемисил Регистон асрлар аро,  
Хайратда лол этмиш барчани.

Тонг ечар зим-зиё туннинг чодирин,  
Умр-яроқлари омонат ғунча.  
Бир ўрам ғамини дунга колдириб,  
Ўзга уяларда писар ўргимчак.

Яна тушларимда мовий гумбазлар,  
Кунларим жўнгина, тунларим хадсиз.  
Кўҳна минорлардан келади саслар,  
Мангулик сўзидай ададсиз.

## МУНДАРИЖА

Зулфияхоним .....	3
«Бир юрак изладим...» .....	4
Гулжамолга .....	4
Қайтма .....	6
«Кувонсам...» .....	6
«Ёр ишки эсимни...» .....	7
Хосият онага .....	8
«Сиз севгининг илмида...» .....	9
Оёғимда замин, бошимда само .....	10
«Йўллар — менинг зулфимдай чигал...» .....	11
«Мухаббат оқ, хиёнат қора...» .....	11
Оламга .....	12
«Сиз менинг дардимда...» .....	13
«Юрагимда отади...» .....	13
«Меҳр бердим...» .....	14
«Худо гулдан яратмиш мани...» .....	14
«Ўзимни ўзимга» .....	15
«Дунё оёғимга...» .....	16
«Жоним...» .....	16
Йиғламанг она .....	17
«Сиз менинг...» .....	17
Ватан .....	19
«Керак эмас...» .....	21
«Журъатим етмайди...» .....	22
«Сиз менда...» .....	22
«Менам ҳақнинг» .....	23
«Гулдан чехра бердинг...» .....	23
«Қўнғирок қиламан...» .....	24
«Раҳмингизни...» .....	25
«Ярал дединг...» .....	25
«Кўксим совут...» .....	26
«Этмайсизми мени бахтиёр...» .....	27
«Биздан бахтни...» .....	27
«Мен курашда...» .....	28
«Осмон эдим...» .....	28

Дилшода опага .....	29
«Кўнгил каъба...» .....	30
«Мен шоир...» .....	30
«Келмоқчиман...» .....	30
Халкона йўлда .....	33
«Тоғлар бериб ётар захга...» .....	33
«Кўзларингдан...» .....	33
«Лаҳзалик умримда...» .....	34
«Тундай қаро...» .....	35
«Қуёш бўлсанг...» .....	37
«Рухим осмонларга...» .....	37
«Такдир йўллайверар...» .....	38
«Яхшиям бош қўйсам...» .....	38
«Ёраб ман...» .....	40
«Юринг осмонимга...» .....	41
«Кумуш дардингизни...» .....	41
«Кутаман кўзимни...» .....	43
«Мени кимлигимни...» .....	44
Икром.....	44
«Чўксам...» .....	46
«Мен чорасиз...» .....	47
«Келасизми...» .....	48
«Кўзларингиз бокади...» .....	49
«Сиз бор дунёларда...» .....	50
«Мен бугун англадим...» .....	50
«Юрагим учишни истайди...» .....	51
«Ҳеч кимга бермасдим...» .....	53
«Осмонни нигоҳга...» .....	53
«Жонимлаб, жонимлаб...» .....	54
«Мен сизни кўп...» .....	55
«Мен энди ҳеч кимни...» .....	56
«Йўкотганим сабр...» .....	56
«Мехнатдан қораяр...» .....	57
«Қисматми тақдирга...» .....	58
«Бир кун...» .....	59
«Мен сизни...» .....	60
Сизга .....	61
«Нега шоир ўлганда...» .....	62
«Кўзаларимни чўкиди қарға...» .....	62
«Ақлинг бўлса...» .....	63

Хоразм охангида .....	64
«Хижрон муҳаббатнинг...» .....	64
«Хадемай...» .....	65
Қачондир .....	66
«Настарин...» .....	66
«Осмондай ...» .....	68
«Сизни ишонмайман на ер, на кўкка...» .....	69
«Мен сизни жудаям яхши кўраман...» .....	70
«Кўзим кўзингизга етмади...» .....	70
«Кет дейсиз этагинг силкитиб...» .....	71
«Мен сизни қарғадим аламдан...» .....	71
«Нуксонларинг кипригингдан кўп .....	72
Изтироб .....	73
«Менсиз тонг...» .....	73
Антонина Иплинадан таржималар .....	75

Адабий-бадний нашр

**БЕНАЗИР (ЗОКИРОВА ГУЛЧЕХРА)**

**ЎТМАГАН КУНЛАР**

«Шарк» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош тахририяти  
Тошкент — 2007

Мухаррир *М. Сапаров*  
Рассом *М. Тешабоева*  
Бадний мухаррир *М. Аъламов*  
Техник мухаррир *Р. Бобохонова*  
Сахифаловчи *Т. Огай*  
Мусаххихлар: *Н. Охунжонова, А. Зокиров*

Босишга рухсат этилди 20.02.07. Бичими 84x108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>.  
«Петербург» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма тобо-  
ғи 3,68. Нашриёт-ҳисоб тобоғи 4,20. Адади 3000 нусха. 3407-  
сонли буюртма. Баҳоси келишилган нархда.

«Шарк» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмаҳонаси,  
100083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.